

**МАТБУОТ - МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КЕРАКЛИ ВОСИТАСИ
СИФАТИДА**

Бозоргул Зокировна УРИНОВА

Тарих фанлари номзоди

доцент

Бухоро давлат тиббиёт институти

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада мустақилликдан кейин ислом динига нисбаттан халқимиз эътиқодининг кучайганлиги, бу борада оммавий ахборот воситаларидаги тарғибот-ташвиқот, матбуот саҳифаларида берилган қимматли материаллар таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: тасаввуф, таълимот, давлат, маданият, ғоя, иймон, эркинлик, бағрикенглик, ифтихор, баркамол, солиҳ.

**ПРЕССА – КАК НЕОБХОДИМОЕ СРЕДСТВО РЕАЛИЗАЦИИ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ДУХОВНО-
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ СФЕРЕ**

Бозоргул Зокировна УРИНОВА

Кандидат исторических наук

Доцент

Бухарский государственный медицинский институт

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется укрепление веры нашего народа в ислам после обретения независимости, а также материалы, касающиеся пропаганды в средствах массовой информации по этому вопросу.

Ключевые слова: суфизм, учение, государство, культура, идея, вера, свобода, терпимость, гордость, совершенство, праведный.

Миллий истиқлолга эришгандан сўнг ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англаш, мустақиллик ғоясини кишилар онига сингдириш уларда ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор ҳиссини кучайтириш, иймон эътиқодли, инсоф-диёнатли, ахлоқий пок, шафқатли, комил ва баркамол инсонларни тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Юқорида номи зикр этилган маънавий қадриятлар, бизнингча ҳозирги даврда устувор, миллий-маънавий қадриятларга айланмокда. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Республикамизда маънавийлик, ўзига хослик миллий биқиклик шароитида эмас, балки кўп миллатли тузум доирасида, бошқа

халқлар, айниқса ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши ва ахлоқий маданияти жиҳатидан ўзбек халқига яқин бўлган исломий макондаги халқлар кадриятлари билан мунтазам ўзаро бойиб борган ҳолда тикланмоқда. Давлат маданият соҳасидаги миллий биқиклик жараёнини чеклаш учун чет мамлакатлар шу жумладан МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) давлатлари билан маданий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берди. Мақсад – халқлар манфаатлари йўлида маданий кадриятлар алмашиш, маданий ахборотни кенгайтириш, тараққиёт, тинчлик фаровонлик даражасини ошириш йўлида халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш ва дўстликни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик давлатлараро шартномалар даражасида ривожланиб боради.

«Миллий маданиятининг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини тиклашнинг жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий кадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас [2;76]. Мустақиллик туфайли миллий кадрият, урф-одат, анъаналарга нисбатан муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши жамиятда маънавий покланишга бўлган ижтимоий заруриятни англаб етиш, шўролар мустабид тузуми йилларида ўзбек миллий маданиятини камситилиши оқибатида унитилаётган маданий меросни тиклаш каби муҳим умуммиллий муаммолар вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилина бошланди. Матбуот том маънода маънавий-маърифий соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг керакли воситаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Айниқса «Мулоқот», «Гулистон», «Фан ва турмуш», «Тафаккур», «Имом Ал Бухорий сабоқлари» журналлари, «Халқ сўзи», «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми», «Ислом нури», «Андижоннома», «Сирдарё ҳақиқати», «Наманган ҳақиқати», «Бухоро ҳақиқати» газеталари бу ўринда самарали фаолият кўрсатдилар.

Асрлар оша ардоқланган кадриятларимиз, байрам ва сайилларнинг тикланиши, юрагига нишлар қадалган, топталган кўҳна замин бағрига

малҳам бўлиб хотирага айланган маънавий қадриятларимизни тиклаш ва янги замон руҳи билан бойитиш давр талабидир. Шу боис ҳам кўпгина матбуот воситалари ўз саҳифаларидан бу воқеалар тафсилотига кенг ўрин ажратдилар.

Истиқлол даври журналистикамиз мазмун йўналишида содир бўлган яна бир муҳим янгилик – турмуш тарзимизга маънавий қадриятларимизга, кишиларимиз онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган диний мавзунинг матбуотимизга кириб келганлигидир. Динга нисбатан давлатимизнинг ижобий муносабати юртимизда диний мавзудаги публицистик мақолаларга йўл очди. Бу мавзу фақат диний нашрларда эмас, балки умумий нашрларда ўз аксини топди.

Матбуот саҳифаларини безаган диний мавзудаги мақолалар кишиларимизнинг маънавий тарбиясида ижобий роль ўйнамоқда, матбуот нашрлари мундарижасини бойитмоқда. Ўзбек халқининг миллий-маданий уйғониш жараёни тараққиёт жиҳатидан инсоният тарихидан ўзининг ўрнини мустаҳкам эгаллаб олди.

Ўзбекистон вақтли матбуоти саҳифаларидаги мақолаларда, энг аввало дин, хусусан, ислом дини ўзбек халқи маънавий ҳаётининг миллий маданий бойлигининг муҳим ажралмас қисми эканлиги илмий асосда ўқувчиларга тушунарли тарзда баён этиб берилди. Айниқса «Ислом нури» газетасининг таъсис этилиши Республикамиздаги энг йирик маърифий воқеалардан бири бўлди.

Газета саҳифаларида мутамлакачилик шароитида кўтарилиши мумкин бўлмаган қатор муаммоларнинг кенг ўқувчилар оммаси ихтиёрига таклиф этилиши, мамлакатимиз ҳукуматининг дин масалаларига жамиятни маънавий поклантирувчи куч сифатида муносабатда бўлганлигидан далолатдир. Шуниси қувончлики, исломга тугаб битадиган, иккинчи даражали ижтимоий ҳодиса сифатида қараш ўтмишда қолиб кетди. Аксинча, бугунги кунда жамиятнинг манавияти ахлоқийлигини мустаҳкамлаш борасида ислом динига катта умид боғланмоқда. «Инсоннинг покланишида, жамиятнинг

рухий, ахлокий жихатидан соғломлаштириш борасида ислом динининг ижобий таъсири каттадир.... Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кучайиши керак» [1;11]. Республикамизда ислом динини ва бутун дунё динлари ҳақида маълумотлар бериш ва бу манбаларни йиғиб халқимизга етказиш ишлари жадаллик билан бормокда: Халқимиз учун дунёвий билимлар билан бир каторда диний билимлар ва диний тарбиянинг нечоғли аҳамияти борлигини замоннинг ўзи тақозо этмокда. Шу муносабат билан дин тарихи факультетлари талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида «Памятники истории религии и культуры в Узбекистане» китоби рус ва ўзбек тилларида нашрга тайёрланди.

Матбуот саҳифалардаги мақолаларни таҳлил қилар эканмиз диний мавзулардаги мақолаларнинг ҳам сон, ҳам сифат жихатидан ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Боймирза Ўроқ ўғли «Дин халқ учун афюнми?», Холмуҳаммад Нурнинг «Алҳазар», Муйидин Йулдош ўғлининг «Имом нега истеъфо берди?», Рустам Обиднинг «Дуонинг кучи», Санжар Муродовнинг «Асрорнома» сир-асрорлар китоби», Н.Бековнинг «Айлагил жондин жудо...», Шодмон Сулаймоннинг «Улуғ шоир мўжизаси», Эргаш Очиловнинг «Хожа али Рометоний» каби қатор мақолаларида исломнинг айниқса, тасаввуф фалсафасининг тарбия ва мафкуравий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва роли очиб берилган. Минг йиллар оша умуминсоний ва умумбашарий қадриятларни бойитишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган шарқона маънавият бундан буён ҳам ўзбек халқи учун донолик мезони бўлиб қолади дейишга асосимиз бор. «Мана, ўн тўрт асрдирки, Марказий Осиё халқлари Ислом динига нисбатан алоҳида туйғуга эгадирлар, унга ўз қаётий дастурларидек муносабатда бўлмокдалар. Дин ва унга тааллуқли қарашлар оғир синовлардан ўтиб, бугунги кунда тўлақонли яшаш ва риволаниш бахтини қўлга киритди» [6;5].

Газета ва журналлар саҳифаларида берилган мақолаларда муаллифлар дин соҳасида маълум маълумотга ва билимга эга бўлмаган китобхонларга ҳам тушунарли ва равон тилдаги мулоҳазалари билан улар қалбига эзгулик

нурини олиб киришга ҳаракат қилмокда. «Бухоро мавжлари» журналида навоийшунос олим Иброҳим Хаққул «Уйкуда қуёш шуъласи» мақоласида «Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларида фано ва фақир деган сўзларга қайта- қайта дуч келинади. «Фано» ҳам, «фақир» ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди» [6;7] дея ўз мақоласида ушбу сўзларнинг луғавий маъносига тўхталиб ўтади ва уларни қуйидагича изоҳлаб беради: «Фано тасаввуфдаги асосий ва ниҳоятда мураккаб истилоҳлардан бири. Мутасаввуф шоирлар уни неча ўнлаб маъноларда қўллаб, бири иккинчисига ўхшамайдиган, гоҳида эса кескин фаркланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасаввуфшунос олимлардан Абу Наср Саррожга кўра фано ва бақо моҳиятан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзади: «Фано ва бақо, авом даражасидан ҳаввос (хос кишилар маърифат соҳиблари) мартабасига кўтарилишни кўзлаган аҳли таҳвиднинг сифатига даҳлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушуниларди: Илмнинг ўртага чиқиши – бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши – фано. Қулнинг ўрганган илми ва маърифат асосида инояти илоҳиётга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши – бақо, ўзининг ҳаракатларини кўришдан фоне бўлиш – фано».

Шунингдек Иброҳим бин Ахмад Хаввос демиш: «фақир – шараф кийими, пайғамбар либоси, солиҳлар ризқи, мутаққийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар кўшки, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга кафолат, савобларга пешводир. Фақир даражаларга юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Фақир – эзгу амал соҳибларининг шиори муттақийларнинг йўли ҳисобланади». Пайғамбаримизнинг бу сўзларига содиқ бўла билган ҳар бир фақир ақл-идрок, камтарлик ва хокисорлиги, нафс “жилови”ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Фақир таъна маломатдан эмас, мақтовдан чўчиши лозим. Зеъро, «маломатда саломат бор» деб бежиз

айтишмаган. Бундан ташкари, фақир соҳиблари маънавий салтанатни саховат, вафо, фано ва ризодан айри кўрмасликлари жоиз.

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,

Хар ваъдаки айласа вафодир анга шарт.

Ким фақир талаб килса, фанодур анга шарт,

Оллига наким келса, ризодур анга шарт.

Дарҳақиқат, ҳақ ошиқлари, дарвеш, ориф, абдол, аҳли фақир булар ўтмишда «зумрайи ҳавос», яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал хулқ-атвори, илм маърифати, айниқса, тўғрилиги, файз соҳиблиги билан халқ орасида зўр обрў-этиборга эга бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик даврасига қўшилиб, суҳбатларидан баҳра олишга интилишган. Бас шундай экан, ҳамиша фано ва фақирликда тангри ёдини унутмаган холда, шоир айтмоқчи:

Бойлик келди ҳикматдан нишона,

Ки, ҳикматсизни паст этди замона.

Агар ҳикматга, бўлса, илтифотнинг,

Ки, бўлсин Нуҳ умрича, ҳаётинг.

«Бухоро мавжлари» журналида берилган «Илмларни тирилтирувчи илм» мақоласида муаллиф, бутун умрини илм тарғиботига бағишлаган силсилаи шарифнинг (Накшбандия маънавий силсиласи Ў.Б) энг забардаст алломаларидан бири бўлган Абу Ҳомид Ғаззолий ҳаёти ва илмий меросига тўхталар экан: «Ғаззолий ўз давридаги қарийб барча фанларни, адабиёт, фикр, усул, ҳадис, калом, хилоф ва бошқаларни яхши ўзлаштиради. Айрим фанларда эса хатто ўз устози Жувайнийни ҳам ортда қолдиради. Ғаззолий «Китоб ал-макхул» асарини ёзгач, устози унга шундай деган экан: «Сен ҳали мен тирикligимдаёқ мени ҳалок қилдинг. Нега менинг вафотимгача сабр қилмадинг». Бундан кўринадикки Ғаззолий 28 ёшидаёқ олимлик даражасига етишиб, ноёб ақл эгаси сифатида илоҳиёт, тарих ва фалсафанинг кўпгина муаммолари ҳақида бемалол фикр юрита олган. Ғаззолийнинг кўпгина

асарлари тасаввуф назарияси ва амалиётининг турли қоидалари тадқиқига бағишланган. Улар орасида энг аҳамиятлиси «Ихёу улумид-дин» («Дин илимларини жонлантириш») асаридир. У ўзида ислом пайдо бўлганидан буён ўтган юз йилликлар мобайнида мусулмон олимлари томонидан тўпланган илоҳиётга оид ва ботиний билимлар хулосасини жамлаганлиги билан алоҳида қиммат касб этади. У 53 йиллик қисқа умри давомида 100 га яқин асар ёзиб қолдирди. Ислом донишмандлари орасида ҳеч ким Ғаззолийдек кўп асар ёзган эмас. Шу сабабли ҳам фалсафа оламига сайр қилган ҳар бир олим ўзини унинг фан соҳасидаги хизматларини муносиб тарзда баҳолашга, унга эҳтиром кўрсатишга бурчли санаган. Жумладан Алишер Навоий «Садди Искандарий» достони муқаддимасида Ғаззолийни «Кўк гумбази ичра безакли қандил, фалакдан туриб кишиларга бахт ва толеъ улашувчи», деб тарифлайди. «Насойим ул-махаббат»нинг 439- рақамли бандида эса унинг номини «Хужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий Тусий, куннияти Абу Ҳомид ва лақаби Зайниддиндир», дея эътироф этади. Абу Иброҳим ал Бағдодий «Бағдод тарихи» асарида “У шундай бир киши эдики, бу дунёдаги кўзлар унингдай нотикни, унингдай зукко ва оқилни кўрмаган эди”. Имом Харамайин алломани: “Бутун оламини қамраган бир денгиз, Киё саҳросининг телба арслони, ҳавофилни ҳам ёқиб юборадиган оташдир.» дея таърифлайди [3;48]. Илмни ўз-ўзини англаш ва икки дунё саодатининг калити санаган алломанинг бу каби нодир қарашлари учун замон ва чегаралар дахлсиз”, дея мақоласини якунлайди. Кўриб турганимиздек, бутун дунё афкор оммасининг куч-ғайрати илм-маърифат ўрганиш ва тарқатишга йўналтирилганки, бу жараёнда Ғаззолий каби Ғарбу Шарқ фалсафа дунёсида юксак обрў эътибор қозонган алломалар илмий мероси бугунги кун учун ўзига хос дастуруламал васифасини ўташи муқаррар.

Шунингдек «Тафаккур» журналида берилган «Навоий иккинчи минг йиллик даҳоси» [4;85-86] мақоласини: “Кимки сўз илохий деса, буни бизда факат Навоий хусусида айтиш мумкин”, дея бошлайди мақола муаллифлари.

Шарқ шоирларидан бири Рудакийга «Одаму-шуаро» унвони берилган бўлса, ҳазрат Навоийни «Шоирлар пайғамбари» дейишган. Навоий Аллоҳнинг каломини муқаддас санаб умрини илоҳий ҳикматнинг сир-асрорларини қалбан ҳис этишга ва сизу биз учун кашф қилишга бағишлаган улуғ шоирлардан саналади. Бугун дунё сўфийлари орасида Навоий мансуб накшбандия тариқатидагилар кўпчиликни ташкил қилар экан, биз бунга бефарқ қарай олмаймиз. Навоийнинг қуйида келтирилган пурҳикмат байтлари ҳам бу тариқат асл ғоясининг оламшумул аҳамиятини кўрсатиб турибди:

*Қаноат тариқига кир, э кўнгил,
Ки хатм ўлгай ойини иззат санга...
Десанг, хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб соир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни кадамдин йироқ солмагил,
Бу йул азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушини
Ки, йўламагай хар дам офат санга.
Бу иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг қуси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгайсен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга*

Бизнингча ҳам барибир, шоир даҳоси олдида буларнинг бари камлик қилади. Матбуот саҳифаларида ҳам халқнинг улуғ даҳосига атаб янги-янги саҳифалар очилади. Ҳамонки ХХІ асрни маънавият ва маърифат асри демоқда эканмиз, ишончимиз комилки – биз учун у Навоийни англаш асри бўлади.

Маънавият ва маърифатнинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишининг муҳим манбаи эканлиги тўғрисидаги яхлит илмий хулоса мустақиллик даврида шаклланган объектив ҳақиқатдир. Шу аснода унинг мамлакат тараққиётининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиши демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аслида ҳам шундай, зеро, янги барпо этилаётган жамият энг аввало ўзбек халқининг қадимий ва кўхна урф-одатлари, кадриятлари ҳамда жамият фуқароларининг тарихий хотирасига суянган ҳолдагина шаклланиши мумкин. Мавзуга тааллуқли мақолалалар таҳлили шуни кўрсатадики, маънавият халқимиз ҳаётидаги улуғ неъматлардан биридир. Дарҳақиқат, маънавиятсиз на халқ, на миллат, на бирон бир давлат, башарият маънавияти қононасида ўз ўрнига эга бўла олмайди. Ўзбек халқи ва Ўзбекистоннинг дунё халқлари кўз ўнгида ўз ўрни, обрўси ва мавқеи тобора ортиб бораётган экан, бу нарса унинг фақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эмас, балки маънавий янгиланиш тақомилининг ҳам ифодасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. Т: Шарқ; 1993, 158 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура .Т, Ўзбекистон. 1996, 358 б.
3. Музаффаров .Ф. Илмларни тириктирувчи илм. Бухоро мавжлари. №2, . 2011, 55 бет.
4. Олим, Султонмурод, Эрали, Бобомурод. Навоий иккинчи минг йиллик даҳоси //Тафаккур, 2001. – №1. – Б.85-86 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Р 2542. Рўйхат 1- Йиғма жилд 259. 17., 28 -варақда кўрсатилган.
6. Ҳақкулов И. Уйқуда қуёш шуъласи. //Бухоро мавжлари, 2011. – №1. – Б.55.